

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 38 (9.841)

2003 ЙИЛ 25 ФЕВРАЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА Сатрларда

□ **НИЗОМИЙ** номидаги Тошкент Давлат педагогика университетидега олий ва ўрта махсус ўқув юртлири психология фани ўқитувчилари малакасини оширишга қаратилган видеоконференция бўлиб ўтди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциациясида Японияда бухгалтерлик ҳамда аудиторлик соҳаларида малака ошириб қайтган бир гуруҳ юртдошларимизга сертификатлар топширилди.

□ **ЖАҲОН** иқтисодиёти ва дипломатия университетидега иқтисодчилар, ўқитувчилар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман «Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишнинг долзарб муаммолари» деб номланди.

□ **ЎЗБЕКИСТОН** Фанлар академиясининг Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-текшириш институтига Мисрнинг Искандария кутубхонасидан нодир китоблар келтирилди.

□ **РЕСПУБЛИКА** Адлия вазирлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирокида бўлиб ўтган анжуман суд-ҳуқуқ ислохотларига бағишланди.

□ **ЁШЛАР** онгига миллий истиқлол ғоясини чуқур сингдириш мақсадида республика халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан «Баркамол авлод орзуси» номли плакат тайёрланди.

□ **НАВОИЙ** номидаги санъат саройида республика ИИВ қошидаги «Осиё юлдузлари» ансамбли ижросида хайрия концерти уюштирилди. Ушбу концерт икки ишлар қўшиқлари марҳум хизматчиларининг хотирасига бағишланди.

□ **ШАҲРИМИЗДА** «Аср ёшлари» клуби ҳамда «Ўзингни асра» маркази ҳамкорлигида ёшларнинг маънавияти ва маърифатини юксалтиришга хизмат қилувчи шоу руҳшунос-педагоглар иштирокида ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Шаҳримизда ҳар хил маиший хизмат турларини кўрсатувчи корхоналарнинг сони тобора ошиб бормоқда. Ушбу маиший хизмат нуқталарида янги хизмат турлари ўзлаштирилмоқда. Уларнинг хизматидан ҳамшаҳарларимиз мамнун.



СУРАТЛАРДА: Юнусобод туманидаги «Мархабо» акциядорлик жамиятининг ўз касбига меҳр қўйган, ёш, малакали, қўли гул усталаридан Мирқозим Жалолов (юқорида) ҳамда (пастда) унинг ҳамкасбларини иш жараёнида кўриб турибсиз.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти талабаларига замонавий таъмирланган талабалар ўйи топширилди.

ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Талабалар уйининг биринчи қаватида жойлашган компьютер синфи замонавий ускуналар билан жиҳозланган, интернет тармоғига уланди. Шунингдек, бу ерда тиббий бўлим ҳам очилган. Ҳар бир хонада икки нафар талаба яшashi мўлжалланган. 220 нафар талабага мўлжалланган иншоот таъмирига жами 200 миллион сўм маблағ сарфланди.

Бино фойдаланишга топширилган куни мазкур талабалар уйида Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши ўтказилди. Унда республикамиздаги олий ўқув юртлирининг илмий ишлар бўйича проректорлари ва илмий ходимлари иштирок этди. Йиғилишда таълим муассасаларининг кейинги уч йил мобайнидаги илмий тадқиқотлари таҳлил қилинди. Унга кўра, 902 та ихтирога патент олинган. Тадбирда мазкур ихтироларни амалиётда қўллаш самарадорлигини ошириш бўйича дастур ишлаб чиқилди.

«Жаҳон» АА

«Туркистон—пресс»

XXI саҳоси

Барча маъбалардан олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● **Ўзбекистон Республикаси** Марказий банки бошқарувининг кенгайтирилган йиғилишида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишидаги маърузасида банк тизими олдига қўйилган устувор вазифалар муҳокама қилинди.

● **Ўзбекистондаги энг йирик компаниялардан бири** — «Авиализинг» жаҳон авиациясининг 100 йиллиги муносабати билан «Ан-26» самолётида ўта мураккаб йўналишда 20 минг километр масофани босиб ўтишдек ўзига хос лойиҳани амалга оширмоқда. Осиё ва Америка китъаси устидан учиб ўтиш кўзда тутилган лойиҳани бетақорлиги тўғрисида Гиннеснинг рекордлар китобига киритиш мумкин.

● **Тошкентда Ўзбекистон эксперт-реабилитолог шифокорлар уюшмасининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.** Унда ногиронларни соғломлаштириш масалалари билан боғлиқ бўлган талай муаммолар хусусида фикр алмашиб олинди.

● **Тошкент Давлат юридик институтида соҳа мутахассислари, олимлар ва талабалар иштирокида «Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги бўйича ушлаб туриш ва халқаро стандартлар» мавзусида дара суҳбати ўтказилди.**

● **Тошкентда Ангрен «Саноатқалин-қоғозсавдо» акционерлик жамиятининг янги цехи ишга тушди.** У ҳар ойда 150 минг квадрат метр ҳажмда кўп қаватли қалин қоғоздан қўтилар ишлаб чиқариш қувватига эга.

● **Сирдарёда тез орада гуруч оқшоғидан крахмал ишлаб чиқарувчи яна бир қўшма корхона ўз фаолиятини бошлади.** Шу тўғрисида шартнома «Бакт-Ф» хусусий фирмаси ҳамда Люксембургнинг «Айджинг Интернешнл С. А.» компанияси ўртасида имзоланди.



Жаҳонда

● **АҚШ озик-овқат маҳсулотларини Шимолий Кореяга етказиб беришни тиклашни кўзда тутмоқда.**

● **Хитой Халқ Республикасидаги Космик технологиялар институтида учувчи орқали бошқариладиган «Шэнчжоу-5» космик кемасини йиғиш ишлари бошланди.**

● **Фарбий Европада иккита кучли ер силкинishi қайд этилди.** 5,5 ва 3 балли зилзилалар Франция, Германия ва Швейцарияда юз берди.

● **2002 йилда АҚШ савдо-сотиғидаги камомад 435,2 миллиард долларни ташкил этди.** «Лента Ру» агентлигининг хабарига кўра бу Америка тарихидаги энг улкан камомад миқдоридир.

● **АҚШда истиқомат қилаётган камбоджалик Фин Суо исмли кишига омад кулиб боққан ҳолда у «Мега-миллион» лотереясининг голиби сифатида 128 миллион долларлик ютукка эга бўлди.**

● **Грецияда кучли қор ёғиши натижасида 800 миллион евролик зарар қўрилди.**

Мамлакатимизга қизиқиш катта

Бельгиянинг Эно вилоятида Ўзбекистон Республикасига бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. Унда вилоят жамоатчилиги, сиёсий ва иқтисодий доиралари вакиллари, мамлакатимизнинг Брюссельдаги элчихонаси ходимлари ҳамда шу кунларда Бельгия университетлари билан ҳамкорлик муносабатларини ўрнатish мақсадида меҳмон бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги делегацияси аъзолари иштирок этди.

Вилоят ҳокими Мишель Тромон бу каби тадбирлар Ўзбекистон Республикаси ҳамда Бельгия қироллиги ўртасида ўзаро манфаатли ва тенгликка асосланган ҳамкорликнинг муостаҳкамлашига, шунингдек Эно вилояти билан маданий ва савдо-иқтисодий муносабатларнинг ўрнатилишига асос бўлажagini таъкидлади.

Ўзбекистон делегацияси вакиллари тадбир қатнашчиларига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, иқтисо-

дий ислохотлар жараёни, умуминсоний кадриятлар асосида барпо этилаётган фуқаролик жамияти хусусида сўзлаб бердилар.

Кўргазма давомида бўлиб ўтган дўстона суҳбат чоғида мамлакатимиз билан Эно вилояти ўртасида савдо, маданият, таълим ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболлари катта экани таъкидланди.

Эно вилояти Франциянинг машҳур Версаль саройини безашда кенг қўлланилган қора мрамар ишлаб чиқаришда етакчи ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда турли хил мрамар конларининг бисёрлиги ушбу соҳадаги ҳамкорлик истиқболли эканини кўрсатади.

Эноликларнинг мамлакатимизга бўлган бениҳоя қизиқиши маҳаллий «Гулливер» сайёҳлик агентлиги томонидан жорий йилнинг апрель ойида Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига иккита сайёҳлар гуруҳининг юборилаётганлигида ҳам намоён бўлди.

ДЕМОКРАТИЯ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

14. Еттинчи устувор йўналиш: Инсон омили ва мезони

Инсон омили ва мезони барча ислохотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб беради. «Бу – демографик ва бошқа миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш демакдир», – деб уқтирди Президент Ислом Каримов.

Бу ўз ичига ижтимоий инфратузилмани, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантириш, нафақа билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини эколог ва бошқа хавф-хатарлардан муҳофаза этиш, одамларимизнинг социал соҳа бўйича талаб ва эътирозларини қондириш масалаларига давлатнинг доимий эътиборини ҳар томонлама кучайтиришни олади.

Маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам қамол топтириш борасида узлуксиз иш олиб боришни Юртбошимиз фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми янглиғ талқин қилди: «Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, ахлоқ-одоб, маърифат каби ўлмас кадрятлар турмоғи керак».

Президент Ислом Каримов буларни «уч буюқ кадрят» деб атади. Унинг таъкидлашича, шундай чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган ёки эга бўлишга интилган одам демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва химоячисига айланади. Фуқаролик жамияти дегани – фаол фуқаролардан ташкил топган жамият дегани.

15. Ватан ҳимояси ва давлатчилик

Юқорида зикр этилган етти устувор йўналишни таҳлил этиб берганидан сўнг Президент Ислом Каримов мамлакат Куролли Кучларни ислоҳ қилиш билан боғлиқ мулоҳазаларини депутатлар ҳуқуғига ҳавола этди. У мамлакатимиз сарҳадларининг дахлсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, эл-юртимизнинг осуда ҳаётини ишончли ҳимоя қилишга қодир, замонвий қурол-аслаҳа ва техника билан таъминланган, яхши тайёрланган ва бугунги кун талабларига тўлиқ жавоб берадиган, сон жиҳатида илҳам ва ҳаракатчан Куролли Кучларни вужудга келтириш – Ўзбекистонимизнинг буюқ келажагини барпо этиш йўлидаги энг муҳим вазифаларимиздан бири эканини айтди. Мақсад – профессионал, яъни энг ривожланган мамлакатларда бўлгани каби, шартнома-контракт асосидаги, аниқроғи, ҳар бир ҳарбий хизматчи ва давлат ўрта-сида шартнома тузиладиган армияни вужудга келтиришдан иборат.

Президент Ислом Каримов бу борадаги вазиятни чуқур таҳлил қилар экан, мuddатли ҳарбий хизматга яроқли фуқаролар сони хизматга сафарбар этилиши лозим бўлган йиғитларимиз сонидан уч-тўрт баробар ортиқлигидан келиб чиқаётган айрим субъектив ҳолат ҳақида ҳам тўхталди.

Мамлакатимиз раҳбари яқин келажақда Куролли Кучларда хизмат ўташ мuddатини 18 ойдан 12 ойга қисқартириш таклифини ўртага ташлади.

Маъруза сўнггида давлатимиз раҳбари Ўзбекистон мустақиллик йилларида кўп асрлик тарихимизнинг сино ва сабоқларга бениҳоя бой бўлган гоат мураккаб, лекин шарафли босқичини босиб ўтганини алоҳида таъкидлаб: «Энг муҳими, энг асосийси – **ҳалқимиз ўзининг сабру матонатини, донишмандлиги бағрикенглигини, меҳнатсеварлик фазилати ва бунёдкорлик қудратини, белгиланган мақсад сари, аввало, ўз кучи ва салоҳиятига таянган ҳолда катъият билан боришга қодир эканини бутун дунёга намоён этди**», – деди.

Биз бугун барпо этаётган ҳаёт, дея таъкидлади Юртбошимиз сўзининг охирида, янги жамиятни, авваломбор, ўзимиз учун, дав-ўсиб келаётган, бугун бошланган ишларимизнинг эртага уноб эттиришга қодир бўлган болаларимиз учун қурмоқдамиз.

Шундай эзгу ишда ҳамма иштирок этиши, ҳаётнинг яхшиланиши ва буюқ келажақни барпо этишга ҳисса қўишиши лозим.

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари ҳар бир фуқарога мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги муайян босқичида ўз ўрнини топишига, ана шу умум миллат, умумжамият ишга муносиб улуш қўишига ундайди.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари, филология фанлари номзоди Султонмурод ОЛИМ наشرга тайёрлади.

• БАНКРОТЛИК

Тошкент шаҳар ҳўжалик суди томонидан ўтган йил давомида 319 та корхонага нисбатан банкротлик иши очилган ва банкрот деб эътироф этилган. Банкрот корхоналарнинг умумий кредиторлик қарзлари 24,3 миллиард сўми ташкил этади. Йил давомида пойтахтимизда 248 та корхонада тугатиш жараёни якунига етказилди ва давлат реестридан чиқарилди. Бу умумий банкрот корхоналарнинг 78 фоизини ташкил этиб, шулар орасида 2001 йилдан ўтган банкрот корхоналардан 82 таси тугатиш ишлари якунига етказилди.

Имкониятдан оқилонга фойдаланиш лозим

— Ана шундай корхоналардан бири «Электромаш» ишлаб чиқариш бошқармасидир, — дейди иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи Эркин Каримов. — Бирлашма «Ўзэлтехсаноат» ассоциацияси таркибига кириб, Сергели туманида жойлашган. Корхонада асосан радиоэлектроника маҳсулотлари ишлаб чиқарилган.

Корхонанинг иқтисодий ночорлик ҳолатига тушиб қолишининг сабаблари нимада? Бунинг асосий сабаблари шундан иборатки, бозор иқтисодига ўтиш шароитида кўпгина корхоналар каби жамоа ўзига тегишли мол-мулкдан тўғри фойдалана олмаган. Шунингдек, бошқарув менежментининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги, дебитор-кредитор қарзлар билан ўз вақтида ишламаслик, энг муҳими эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулот маркетинги билан ишлаш оқилона амалга оширилмаганлиги оқибатида корхона ана шу ҳолатга тушган.

Ушбу корхона Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 1998 йил 15 декабрь қарори билан банкрот деб эътироф этилди. Ана ўша пайтда корхонанинг 140 миллион сўм кредиторлик қарзи мавжуд бўлган.

2002 йил 25 мартда Республика Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда «Электромаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси тугатиш комиссияси «Холдинг Групп» молия-инвестиция гуруҳига 800 миллион сўмга сотилди ва кредиторлар билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилинди. Утган йилнинг 25 декабрида Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг ажрига асосан тугатиш ишлари якунланди. Ҳозирда тугатиш комиссияси корхонани ягона давлат реестридан чиқариш учун тегишли ҳужжатларни Адлия вазирлигига топширган.

Ана шундай корхоналардан яна бири «Ўзбеккармпойабзал» ассоциацияси таркибига кирувчи «Қундуз» акционерлик жамиятидир. Тери ва мўйна маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган ушбу жамоада 1998-99 йилларда ишлаб чиқариш ва уни сотиш ҳажми кескин камайиб кетиши оқибатида иқтисодий ночор аҳволга келиб, 1999 йилнинг 9 ойи якуни бўйича қўрилган молиявий зарар 5632 минг сўмга етган.

Корхонани молиявий соғломлаштириш мақсадида Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 1999 йил 27 октябрдаги ажрими билан жамоада 12 ой мuddатга ташки бошқарув киритилган ва ташки бошқарувчи этиб Абдувоҳит Абдуллаев тайинланган. Ташки бошқарув киритилиши билан Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги қонунига асосан корхонанинг мавжуд 30796 минг сўм, шу жумладан бюджет олдидаги 8714 минг сўм миқдордаги қарзлари музлатилган эди.

Корхонани молиявий соғломлаштириш мақсадида ташки бошқарувчи томонидан ташки бошқарув режаси ишлаб чиқилиб, режа кредиторлар йиғилишида тасдиқланганига қарамай у бошқарувчи томонидан бажарилмай келган. 2000 йилнинг августи-

да эса корхонага танлов асосида янги ташки бошқарувчи тайинланган, ишлаб чиқариш бирмунча ривожланди. Лекин шунга қарамай ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи баландлиги, харидоригр эмаслиги сабабли оморлардаги тайёр маҳсулот ҳажми 8 миллион сўмга кўпайди. Бу ўз навбатида корхона раҳбари томонидан бозор талабларига мос келувчи рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарилмаганлиги ва бозор конъюнктураси ўрганилмадан эски усулда ишлаб келинганини кўрсатди.

Ташки бошқарув даврида корхона 47612 минг сўм соф тушум олди. Дебитор қарзларни ундириш ва тайёр маҳсулотларни сотиш бўйича аниқ чоралар қўрилмади. Натижада корхона молиявий ночор аҳволга тушиб, музлатилган кредитор қарзларни қайтара олиш имкониятини йўққа чиқарди, ундан оқилона фойдалана олмади.

Тошкент шаҳар ҳўжалик суди юзага келган вазиятни ўрганиб чиқиб, корхонада ташки бошқарув мuddати тугагандан кейин музлатилган кредитор қарзларни 6 ой мuddатда, ҳар ойда 1473 минг сўмдан қайтариш ҳақида ажрим чиқарди. Лекин афсуски, ташки бошқарувчи томонидан ушбу кўрсатилган мuddатда ҳам корхонада мавжуд ички имкониятларни сафарбар этиш, мавжуд дебитор-кредитор қарзларни таҳлил қилган ҳолда камайитириш бўйича ҳеч қандай аниқ тадбирлар амалга оширилгани йўқ. Чунки корхонанинг кредиторлик қарзлари ортиб бориб, 2002 йил октябр ойига 213534 минг сўмга, дебиторлик қарзлари эса 33185 минг сўмга етди.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 347-қарор ижросини бажариш мақсадида иқтисодий ночор аҳволда бўлган «Қундуз» акционерлик жамиятига нисбатан ҳўжалик судининг 2002 йил 3 октябрдаги қарорига кўра банкротлик тамойили қўлланилди.

Кучи кеча Президентимиз Ислом Каримов 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси Мажлисидаги маърузасида бугунги кунда кўплаб корхоналарнинг бозор шароити ва талабларига ўта секинлик билан мослашаётгани, ишлаб чиқариётган маҳсулотини сотиш учун ниҳоятда қийинчилик билан бозор топаётгани иқтисодий-иқтисодий ривожига катта тўсиқ бўлаётганини таъкидлар экан «Хукуматнинг зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш бўйича қабул қилинган махсус қарори сўзсиз бажарилиши лозим» деди.

Шуни айтиб ўтиш ўринлики, бозор иқтисодиёти шароитида банкротлик табиий ҳол ҳисобланади. Банкротликнинг сабаблари эса турлича. Банкротликнинг сабабларини ўрганиб, унинг олдини олса бўлади. Чунки давлат ночор корхоналарга ўз аҳолини яхшилаб олиши учун имконият бермоқда. Ушбу имкониятдан ким қандай фойдаланиши эса тадбиркорлик ва омилкорликка боғлиқ.

(Ўз мухбиримиз)



Пойтахтимиздаги «OSIYO BATAREYA» Ўзбекистон – Туркия қўшма корхонаси жамоаси ўзининг сифатли, рақобатбардош ва жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган маҳсулотлари билан икки бозоримизни таъминлаб келмоқда. Корхона тадбиркорлари илзанишлари, самарали меҳнатлари туфайли бугунги кунда 17 хилдаги ишлаб чиқариётган аккумуляторлар Марказий Осиё давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

СУРАТДА: тажрибали ишлаб чиқариш бошқарувчиси Акбаржон Хўжаев ҳамда ўз ишининг устаси кадоқловчи Рустам Раҳматовларни кўриб турибсиз.

Сиз соғинган шеърият

Эркин ВОХИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири,
Ўзбекистон Қаҳрамони

БИР НИҲОЛ

Юртошим, боғинга бир ниҳол қада,
Бу ниҳол номини яхшилик ата.
Ниҳолинг ёнига бир гул экиб қўй,
У гулнинг исмини Гузаллик деб қўй.

Гулу ниҳолингга баҳи этиб ҳаёт,
Сув бер ва бу сувга Меҳр деб қўй от.
Сендан фарзандинга бог қолсин, эй дўст,
Боғинг Ватан деган ном олсин, эй дўст.

КЕКСАЛИК ГАШТИ

Қарлик гаштини мақташдан кўра,
Мухбир болам, уни бизлардан сўра.
Мана, биз бу гаштини сураётимиз,
Эрталаб иккилаб сураётимиз,
Оқриқдан қаршига белимиз силаб,
Кавушимиз сўраб, чунон имиллаб,
Белимиз чангалаб юраётимиз,
Қарлик гаштини сураётимиз.

Билмакдан куч кетган, кўздан эса нур,
Пашшамизни зўрга кўраётимиз.
Бир маҳал оқ уриб қилардик хузур,
Энди валокардин ураётимиз.
Келар ичимиздан хўрсиниқ чуқур.
Асқар тоғ эдик-ку, сураётимиз.
Кўнамиз, не илож, шунга ҳам шукр,
Харқалай кўз тирик, кўраётимиз,
Қарлик гаштини сураётимиз.

Қарликни ҳавас қилмасин, болам,
Ёмон кўринади кўзингга олам.
Қариганда ачиб қоларкан одам,
Баъзан бобов бўлиб хураётимиз,
Қарлик гаштини сураётимиз.

Қарлик гашт эмас, юлғунли дашт ул,
Қарлик тикандир, ёшлик эса гул,
Ёшликка не етсин, у ўзи маъқул,
Ёшлик хазинадир, қарлик — бир пул.
Илгитларга айтар насихатим шул:
Ёш ёшликда ёшлик гаштини сурсин,
Кексалик ҳам келар, уни ҳам кўрсин,
Ҳозирча қаригаша шошмасдан турсин —
Белангиси курсин, йўтали курсин.
Агар маъқул бўлса фахрий деган ном
Барча нишонимиз олиб, бир оқшом
Ёшлигини бизга қарз бериб турсин.
Қарлик гаштини мақташдан кўра,
Мухбир болам, уни бизлардан сўра.

ТУШЛИК ТАНАФФУС

Сокингина яшар эди у,
На шодлиги аён, на дарди.
Тонгда тўғри ишга борару
Оқшом тўғри уйга қайтарди.

Улфати йўқ, кўча кезмаган,
Машаёт не — билмаган одам.
Биров сезиб, биров сезмаган
Борлиғи йўқлигини ҳам.

Бир мўминга доим бир қотиш
Эш бўлгандай ёғур дунёда,
Манглайига битганди хотин,
Азройдан ўн бор зўёда.

Чунтагига эрининг тўр халта,
Қулогига солиб олам гап,
Рўйхат қорғоз билан, албатта,
Қуштарди ҳар кун эрталаб...

Содда, ношуд, ориқ кичкина...
Ҳар кун уйда ўлатиб оқшом,
Газетдан кўз олмай тинчгина
Эшитарди хотиндан дашном.

Тирикликнинг ташвишу гами
Ҳаммани ҳам қилгандек адо,
Сўнди бир кун умрининг шами,
Бу оламдан кетди бенаво.

Хотини кўзни очиб гафлатдан,
Билди — суяк тоғи йўқолди.
Шаддод хотини шунда дафъатан
Муштиларга айланди қолди.

Шудир асли ҳаёт қонуни,
Не йўқолса — азиз, муқаррам.
Шам кўтариб,
Арафа куни
Қабристонга йўл олди у ҳам.

Ҳар биримиз яхши танийдиган ва шеърларини севиб ўқийдиган шоирларимиз бор. Биз фахр билан номини тилга оладиган ана шундай алломаларимиздан бири Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидовдир. У ўзи айтганидек: «Бундай қараганда битта шоир қилиши мумкин бўлган ишни» алақачонлар қилиб қўйган. Лекин шунга қарамай у ҳамон изланишдан, ижод қилашдан чарчамайди, қилган ишидан кўнгли тўлмайди.

«Ҳамиша ёзганимдан ёзадиганим муҳимроқ ва азизроқ туюлади, — деб ёзади у. — Мен ижодий меҳнатни фаол жамоат ишлари билан қўшиб олиб боришдек шарафли вазифа юқини доимо елкамда хис қилганман. Одамларга фақат шеъринг эмас, ўзинг ҳам кераклигингни сезиш — бу катта бахт».

Истагимиз ана шу бахт сеvimли шоиримизга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин. Куйида унинг бир туркум шеърларини сиз азиз оқшомхонларга гулдаста сифатида тухфа этаётимиз.



Қудрат тиланг энди сабрига,
Уни кутар бунда турфа ҳол,
Қотиб қолади!
Эри қабирига...
Шам ёқарди ўзга бир аёл.

Лол қотди у.
Тўлаб ниҳоят
Бор макрию иродасини,
Яширолди кўздаги хайрат
Ва ҳажжон ифодасини.

Аёл сари юрди бепарво,
Салом берди.
Сўраб кечирим,
Деди кўнгли оғандай зўё:
— Ким бўлади бу одам?
— Эрим.

«Эрим». Бу сўз хотини кўксига
Оловли ўқ бўлиб санчилди.
Энди билди,
Уни эр нега —
Хуш кўрмасди,
Ҳа, энди билди.

Наҳот, шундай беозор одам...
Наҳот, бўлган бошқа хотини...
Мана, энди шундан кейин ҳам
Оқлаб кўринг эркак зотини.

Қани, шу пайт гўрни оқсаю
Бевафонин тутса сўроққа.
Сунг эрича қўшиб мана бу —
Мегажинни кўмса тупроққа.

Э воҳ, аёл газабидан ҳам,
Макридан ҳам асра, худойим!
Ёндирса-да ичини олам,
Савол сўрар яна мулоим:

— Болалар-чи?
— Қолмади ёдгор,
Менга унинг ёди кифоя.
Ғайри одат бу ишқ — бетақрор,
Эшитсангиз, қилай ҳақоя:
Мен у билан тушлик чоғида
Ошхонада дастлаб қўришдим.
У столнинг нариёғида,
Мен бу ёқда ўтирганча жим —
Овқатландик.
Эртасига ҳам,
Индинига ҳам шу бўлди тақрор.
Еттичи кун десанда икк бор
«Яхшимисиз» деди бу одам.

Танишув кун бўлди у бизга,
Саломлашиб юрдик неча кун...
Кечирасиз, не бўлди сизга?
Титраясиз, сингилжон, нечун?

— Ҳечқисси йўқ, совқотдим бир оз.
Давом этинг.
— Хулласи калом,
Бир-бировга ўргандик оз-оз,
Бир-бировга боғландик тамом.
Шундай экан қисмат хоҳиши,
Мен ҳам эдим кимсасиз, танҳо.
У камини беозор киши
Юрагимга бўлди ошино.

Мен-ку ёлғиз эдим,
На отам,
На онам бор, на оилам бор.
Ёлғиз экан дунёда у ҳам,
Фарзандлар гўр, хотин — дилозор.

Содда, ночор, кўримсиз, аммо —
Қалби унинг бир олам эди.
Теран фикрат, ҳислар мусоффо,
Фидойиллик жамулжам эди.

Э воҳ қадрин билмади дунё,
Тупроқдаги дур эди бу зот.
Менинг зулмат ҳаётим аро
Ярқ этган бар нур эди бу зот.

Дардлашардик бечора билан,
Иккимизда надомат, афсус,
Ғам-андуҳлар ихтори билан
Утар эди тушлик танаффус.

У сўзларди, мен тинглар эдим,
Мен йўғлардим, куярди у ҳам,
Тоғи узоқ ултирардик жим,
Кўзимизга чўқиб тубсиз гам.

Менинг кўзим дерди:
«Эй азиз,
Қайда эдинг ўптиси йил аввал?»
Унинг кўзи дерди:
«Фойдасиз...
Бу оламда бахт йўқ муқаммал».

Менинг кўзим дерди:
«Мен муҳтож
Қидирандим сени бир умр».
Унинг кўзи дерди:
«Не илож,
Кеч бўлса ҳам кўришдик, чуқур».

Сўрсаларки, қай вақт саодат
Бўлган сенинг умрингга ошно?
Дердим: Беш йил —
Ҳар кун бир соат,
Фақат тушлик танаффус аро.

Ўзга макон, ўзга замона
Мавжуд бўлган олис юдузлар
Эл кўздан ниҳон осмонда
Кўришгандек фақат кундузлар —
Биз ҳам шундай яшадик беш йил.
Бу ҳам турмуш...
Мана, ниҳоят,
Жудо бўлдик...
Бор гап шу, сингил,
Тамом бўлди дардли ҳижоат.

Оқшом чўқар,
Тушар қоронгу,
Хазонларни сунураш шамол.
Яримта ой, сурганча хаё
Сокингина тарлатар ёғу.

Қабристонда қолмаган одам,
Хувиллаган сукунат аро —
Бир қабр узра ёнар икки шам,
Икки аёл йиллар беадо...

**ШАХМАТ УСТИДА
АЙТИЛГАН ШЕЪР**

Мен эркак ўрнида туришим керак,
Ё хотин илмиза юришим керак.
Хотиннинг, тўй, лозим омадаси кўп,
Ҳа, деса лаббай, деб туришим керак.
Ҳа, деса лаббай, деб туришим учун,
Уйшмо пул завод қуришим керак.
Уйшмо пул завод кура олмасам,
Энг катта банкани уришим керак.

Энг катта банка ҳам қўлдан келмаса,
Ҳа, деса шалвираб туришим керак.
Шалвираб турувчи эркак бўлгандан
Йўқ бўлиб, дунёдан қуришим керак.
Дунёдан йўқ бўлиб кетмаслик учун
Мен эркак ўрнида туришим керак.
Яъни эркакларнинг ишни қилиб,
Мазза қилиб шахмат суришим керак.

• МУЛОҲАЗА

Инсон яралиб, ўзлигини танибдики, ўзи яшайдиган шароитта, муҳитга мослашиб ҳаёт кечиради, умргузарлик қилади. Табиат қонунларидан саналган бу ҳукми инсонлар ўзгаришига, уни ўз измига бўйсундиришга оҳиш қилишади. Энг ёмони шундаки, биз инсонлар ўзимиз ҳам табиатнинг бир бўлаги, унинг неча асрлар давомидида яшаш учун кураш маҳсули эканлигимизни, хоҳлашимизни, хоҳламаймизми ўзимиз яшаётган муҳитга, экологик шароитта мослашган кишилар эканлигимизни баъзан унутиб қўямиз. Айниқса, бу иллат кейинги пайтда ҳаддидан ошиб, чегарадан чиқди. Табиат яратган бебаҳо хазинадан бефарқ, ҳатто ваҳшийларча фойдаландик. Илмий техника тараккиёти асрида атроф-муҳит мувозанатининг бузилиши, табиатга ва унинг бойликларига боқимандалик назари билан қараши оддий бир ҳолга айланиб бораётганлиги нафақат бизни, балки жаҳон жамоат аҳлини ҳақли суратда ташвишлантирмоқда.

ҲАР БИРИМИЗ БУРЧЛИМИЗ

Жамиятимизда табиат муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишдек муҳим ишларда ҳам қайта қуриш бошланди. Бунда биринчи собит қадим табиати муҳофаза қилиш, унинг мусоффолиги учун курашиш фақат мутасадди ташкилотларнигина эмас, шунингдек, ҳар биримизнинг муқаддас ишимиздир. Биз экология танглиги даврида яшаймиз.

Табиатнинг кучи, қудрати ва мўъжизакорлиги ҳамиша ҳам инсонни ҳайратга солиб келган. Ўзбекистон табиати тенгсиз, ноёб хазинага эга. Табиат диёримиздан ўз саховатини аямаган. Ўлкамиз Ер шарининг энг қулай, кўёш ҳароратини истаган миқдорда тушиб турадиган бешинчи климмида жойлашуви бизга табиатнинг бебаҳо инъомидир. Ер юзида кўёшнинг нурига, кишининг қорига зор бўлиб яшаётган ўлкалар, эл-элатлар камми? Табиат сахийлигини қарангки, ўлкамиздаги шифобахш булоқлар, ҳушхаво, ҳушманзара жойларни санаб адоғига етиш қийин. Лекин бизлар бундай муқаддас жойларнинг қадрига, аҳамиятига, бебаҳо эканлигига етарли эътибор бермаймиз, уни ҳар хил ифлослантирувчи, зарарловчи моддалар билан ноҳуд қиляпмиз.

Ҳар бир тирик жон ўзидан насл қолдириш учун курашади. Эрта баҳорда оламга бир назар ташласак, қушларнинг ин яшаш учун ҳас-чўп ташиётганини, асаларилар гулдан гулга кўниб бол ташиб уясига олиб кетаётганини

Атроф-муҳит мусоффолиги йўлида

Корхона, муассаса, шифохоналар ва умуман турар-жой иншоотлари томларини таъмирлаш ишларида битумдан фойдаланилади. Бундай кезларда кўпинча битумни эритиб, таъмир юмушларини очик ҳолда амалга ошириш туфайли атмосфера ҳавоси маълум даражада ифлосланишига йўл қўйилади. Бу эса табиати муҳофаза қилиш қонунларига зиддир.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 88-моддасида қурилиш ва бошқа ишларни бажариш чоғида ёнилги моддалар ва бинокорлик материалларини тўплаш, махсус техник қурилмасиз очик аланга олдириб, уларни ёқиш, битум эритишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаган фуқароларга белгиланган миқдорда жарима солиш кўзда тутилган.

Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг кўп қаватли уйларнинг, корхона, муассаса, шифохоналар ва бошқа иншоотларнинг томларини қайта таъмирлаш вақтида битумни очик ҳолда аланга олдирмаслик, уни ёқиш, эритишда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш талабларига риоя қилиш кераклиги тўғрисида барча туманларда тушунтириш ишларини олиб

қўрамиз. Бу — табиат қонунин. Инсон эса табиат мавжудотлари ичида энг ақллиси, онглисидир. У табиатни бунчалар топтамаслиги керак. Табиати муҳофаза қилиш, уни қўриқлаш, теварак-атрофни кўкаламзорлаштириш ҳақида озмунча мақола, китоблар чоп этилмоқда, дейсизми? Радио, «ойнаи жаҳон» орқали қанчадан-қанча эшиттиришлар берилди ва ҳамон берилмоқда. Ҳар бир шаҳар, туманларда ва мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш идоралари, ташкилотлари, кўмиталари бор. Унда озмунча одамлар ишламаяпти. Шаҳримиз гўзаллашиб бормоқда, аммо она табиатимиз экологик жиҳатдан кундан кунга гўзал, янада обод бўлиши, гуллаб-яшнаши ўрнига баъзи ҳолларда орқага кетаётир. Атроф-муҳитни тоза сақлаш, уни кўз қорачиқдай асрашга бўлган сансалорлик, эътиборсизлик, лоқайдлик, чин қалбдан жавобгарликни ҳис қилмасликдан келиб чиқади. Лекин бирон-бир кор-ҳол юз берса айрим инсонлар, экологлар, олимлар, мутасадди ташкилотлар ходимлари айбдор деб хулоса чиқарадилар. Лекин ундай эмас. Биз ким ва қай ёшда бўлмайлик, қайси жинсга мансублигимиздан қатъи назар, ўзимиз яшаётган муҳитга мослашиб, она заминга зарар келтирмаслигимиз лозим. Табиатнинг экологик қонун-қоидалари йўналишида иш тутиб қонунлари олдида жавоб беришимиз керак.

Озода РАҲМАТУЛЛАЕВА, Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси тарғибот-ташвиқот бўлими мутахассиси.

• КОРХОНАЛАРДА

Режали иш олиб борилмоқда

«Подъёмник» акционерлик жамиятининг асосий иш фаолияти машинасозлик, яъни оғир юк кўтарувчи кранларни ва халқ истеъмолчи молларини ишлаб чиқаришдан иборат. Ҳамза туманидаги Зебо Шамсутдинова кўчасида жойлашган ушбу корхона узок йиллардан бери фаолият кўрсатиб келади. Унда бир қатор цехлар мавжуд бўлиб, улар жумласига механика, металл конструкциялари, қурилиш-таъмирлаш, йиғиш, электр, ҳаво ҳайдаш, транспорт цехларини киритиш

мумкин. Корхонада табиатни муҳофаза қилиш юзасидан Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси билан биргаликда тузилган режа асосида иш олиб борилди. Шунга кўра ўтган йили корхона худудидаги ариқлар таъмирланганлиги, металл конструкция цехидаги ҳаво тозалагич линиялари қайта жиҳозланди. Корхона худудида мевали дарахтлар билан бурканган боғ ташкил этилди. Республика бўйича ўтказилган экология шанбалигида корхонанинг ишчи-хизматчилари


қатнашдилар. Шу кунни худуддаги барча дарахтлар тагини юмшатиб, атрофни тартибга келтиришди. Корхонанинг бу йилги режасидан ҳам қатор тадбирлар ўрин олди. Хусусан, биринчи чоракда корхона худудига 64 туپ мевали дарахт ўтказиш, иккинчи чоракда ариқларни тартибга келтириш, шунингдек, экологик шанбалик ўтказиш, учинчи чоракда цехлардаги тозалагич иншоотларини кўздан кечириб таъмирталаб ускуналарни сошлаш, сувни тежаш мақсадида сув ўтказ-

гич канализация тармоқларини тозалаш, механика, металл конструкциялари цехларидаги дастгоҳларни таъмирдан чиқариш каби тадбирларни ўтказиш кўзда тутилган. Шу кунларда корхона меҳнат аҳли яқинлашиб келаётган Наврўз айёмига тайёргарлик ишларини олиб бормоқда. Шу муносабат билан корхона худудида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари тартибга келтирилди.

Учкун КАХХОРОВ



№ 2 (131) Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг саҳифаси



Баҳорнинг илк насими.

• РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Улкан фаввора

Женева (Швейцария) шаҳрининг энг диққатга сазовор жойларидан бири 140 метр баланглик отилувчи улкан фавворадир. Илк бор очилган вақтида баланглиги 15 метрга чиққан эди. 1895 йилда ўрнатилган янги насос фонтан шаршарасини 90 метр балангликка отилиши таъминлади. Ҳозирги баланглиги эса 1947 йилда ҳарий этилди.

Фаввора «бўғози» дан ҳар соғияда 500 литр сув соатиға 200 километр тезликда осмонга отилиб чиқади. Бу улкан фаввора теваарағида сайр қилиб юрвчи кишиларга қатта ҳавф солиши мумкин. Чунки шамол туриб берса, сув оқими ўз йўналишини дарҳол ўзгартириб, бошқа томонга тўсатдан ёпирилади. Шунинг учун фаввора техник жиҳатдан муттасил назорат қилиб турилади.

Чиройли ва қулай

Амстердам шаҳар боғида Голландиядаги ўрта асрдаги мавжуд бўлган нусханинг ўзини эслатувчи 20 та шамол тегирмонини сайёҳлар эътиборини жалб этиб келмоқда. Тегирмонлар ҳақиқатан ишлаётганлигини ҳамма ҳам билимайди. Уларнинг қанотлари генераторлар турбиналарини ҳаракатга келтиради. Бу ерда тез-тез денгиздан кучли шамол эсиб туради. Шу боисдан ҳам «шамол тегирмонлари»дан олинмадиган қувват боғ эҳтиёжи учун кифоя қилади.

• ТЕКШИРУВЛАР

Экология кундалиги

Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси нозирлари тез-тез жойларда бўлиб, текширувлар олиб боришади, йўл қўйилган камчиликларнинг айбдорларига белгиланган миқдорда жарималар солишади. Куйида улар томонидан жаримага тортилган корхоналар билан танишасиз.

- ◆ «Ориф» хусусий фирмаси раҳбари М. Худойберганов экология экспертисаи хулосаси олмай туриб, корхона фаолиятини давом эттирилган. Назоратчилар ўз жойида ушбу нуқсонни аниқлаб, бунга йўл қўйган корхона раҳбариға 7000 сўм жарима солишиди.
◆ «SALOBAT» хусусий фирмасида ифлослантирувчи моддалар меъёрий лойиҳаси тузилмаган. Шу туфайли цех бошлиғи М. Мирзаюсупов 13605 сўм жарима тўлашга мажбур бўлди.
◆ «Сувтаъмир» масъулияти чекланган жамияти ўзига қарашли автотранспорт воситаларини ўз вақтида текширмаган. Ушбу хатога йўл қўйган бош муҳандис А. Карандаев 9100 сўмлик жаримага тортилди.
◆ «Дина Пак» хусусий фирмасида давлат экологик экспертисаи хулосаси йўқлиғи аниқланди. Унинг раҳбари А. Пак 5000 сўм жарима тўлади.
◆ Назоратчилар «Рамзит» хусусий фирмасида бўлганларида бу жойда

Мактуба УМАРОВА

• ТУМАНЛАРДА

Шайхонтохур шаҳримизнинг марказий туманларидан ҳисобланади. Унинг умумий майдони 2793,6 гектарни ташкил этади. Шундан кўкаламзорлаштирилган майдоннинг умумий саҳни 831,5 гектар, гулзорлар 12,93 гектар, майсазорлар 123 гектар, кўчалар, соҳил бўйларидиға кўкаламзорлаштирилган майдонлар 135,9 гектар, боғлар саҳни эса 695,6 гектарга тенгдир.

Ободонлаштириш — диққат марказида

Туман ободонлаштириш бошқармаси асосан ўзига қарашли худудни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, йўлларни таъмирлаш, санитар ҳолатни сақлаш, ирригация шохобчалари озодлиғи ва уларни сув билан таъминлаш ишларини бажаради. Хусусан, туманда ўтган йили куйидаги ишлар бажарилди. Худуддаги 6492 туپ дарахтларнинг бачки шох-шабдалари келтирилиб, уларга шакл берилди. 74 туپ қуриган дарахтлар табиатни муҳофаза қилиш идоралари билан келишилган ҳолда кесиб

ташланди. Жуда кўплаб бута, бир йиллик гуллар, турли дарахт кўчатлари экилди. Ободонлаштириш ишлари вақтида худудда тўпланиб қолган 5894 тонна турли-туман чиқиндилар олиб чиқиб кетилди. Туман худудидан ўтувчи Кўмарик, Кўкча, Жарарик каналлари соҳиллари тартибга келтирилди. Бу каналлар доврахтларни суғоради, кўчалар, маҳаллардаги кичик сув шохобчаларини сув билан таъминлайди. Туман микроклиматини мувозанатга солиб туради. Туманда 38 та корхона ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Ўтган йили улардан 30 тасининг экологик фаолияти назорат қилинди. Натижада, уларда бир қатор камчиликлар аниқланиб, мансабдор шахсларга жарималар солинди. Бу қонунбузарликлар асосан корхона раҳбарияти томонидан содир этилганлиги аниқланди. Бугунги кунда туманда бир қатор ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилапти. Маҳалларда Наврўз тайёргарлиғи юзасидан тузилган режалар асосида фаолият бошлаб юборилди.

Дилдора СУЛТОНОВА

Наъматак — атиргуллар оиласига кирувчи бутасимон ўсимлик бўлиб, баъзи турларининг бўйи 6 м гача бўлиши мумкин. Посси эгилувчан, тиканли, ялтироқ, кўнгир-қизил ёш новдалари бир оз яшил ранглидир. Барглари тоқ патли мураккаб, пойда бачди билан кетма-кет ўрнашган. Мураккаб барглари тухумсимон ва чети аррасимон киррали. Кўшимча барглари бачди билан бирлашиб кетган ҳам бўлиши мумкин.

Наъматак мевалари таркибида салмоқли микдорда С (4-8%), баъзан 18% гача боради), Р, К, В дармондорилари гуруҳи, каротин, флавоноидлар, қанд моддаси, органик кислоталар (олма кислотаси 1,8—2% гача, лимон кислотаси 2% гача), пектин ва ошловчи моддалар, липоидин ва рибоксантин, шунингдек калий, темир, марганец, фосфор, кальций, магний тузлари бор. Мева уруғларида Е дармондориси мавжуд.

Наъматак жуда қадим замонлардан бери халқ таботати амалиётида атрофлича қўлланиб келинади. Жумладан, унинг меваларидан тайёрланган дамлама ўпка сили, жигар, ўт қогчасининг яллиғланиши, ичак, буйрак, қрвук касалликларини даволашда фойдалидир.

Меваларидан тайёрланган қайнатма қон тўхтатувчи, иситма туширувчи восита сифатида ичилади. «Махзан-ул-адвия» китобида қайд этилишича, наъматакнинг нафақат меваларига эмас, балки гуллари ҳам қатор хасталиклар давоси сифатида қадрланган. Гулнинг хидидан нафас олинганда юрак, мия, сезги аъзоларини мустаҳкамлайди, мияни пешлайди, асаб совуқлигини йўқотади (яъни нервларнинг шамоллаш билан боғлиқ касалликларини), тумовдан холи қилади. Наъматак гуллари бунраки таркибига қўшилдиған бўлса, унда хушбўйликни ато этиш билан бирга мия тикқилмаларини очади, назладан акса уриш билан холи бўлинади. Наъматак гуллари тиш оргиғида, милкларнинг яллиғланишида, бодомча безларнинг шамоллашида, томоқ оргиғида, юракнинг халқиқилиши ёрдам беради, меъда ҳамда жигарни мустаҳкамлайди, шунингдек кўнгил ағиниши, қусиш, кекширишда, сарик ва қулғунж касалликларидо фойдали ҳисобланади.

Наъматак гултожбарларидан бирдан тортиб тўрт дирхамгача истеъмол қилинса, кучли сурғи ҳамда пешоб ҳайдовчи ҳисобланади. Одатда, даво учун наъматак гултожбарларини бир ичишлик меъёрий бир уяғича бўлади.

Наъматак гултожбарларини асосида тайёрланадиган мураббо (шакар воситасида пиширилганда) қайфиятни зиёда қилдиришди, шамоллашдан келиб чиқадиган юрак халқиқилиши ёрдам беради, юракни мустаҳкамлайди. Наъматакнинг нафақат гул ва меваларига шифобахш бўлиб қолмасдан, балки унинг барглари асосида тайёрланган қайнатма меъда оргиқларига нафли ҳисобланади. Халқ таботатида ҳатто наъматак илдизларидан тайёрланган қайнатма қовуқ ҳамда буларакта тош келиб оргиқ берганда ичилса, кишиға анчагина енгиллик бериши инобатга олинган. Бундан ташқари, наъматак мевалари асосида тайёрланадиган дамлама тинка қуриши, камқонликда, шунингдек дармонсизликда ижобий натижа бериши тан олинган.

Халқ таботатида наъматакдан тайёрланган дамладан болаларда кузатиладиган майда тошмаларни, йирингли-септик асоратларга мойиллиги бор

ўткир юқумли касаллик — қизилча (скарлатина)ни, терлама (тифни) ва бошқа касалликларни даволашда ишлатилади. Наъматак гулларида бектирма (пиромочка) тайёрлаб кўзга боғланса, кўз шамоллаши билан боғлиқ бўлган касалликларга даволик қилади.

Замонавий тиббиёт амалиётида наъматак мевасидан тайёрланадиган дамлама, экстракт (қуюқ шарбати) ва суоқ шарбати ҳамда таблеткалар, саноят миқёсида чиқариладиган холасас каби дори-дармон тайёрланади. Бу доривор омиллар киши танасида дармондорчи этишмаслиғи билан боғлиқ авитаминоз хасталигини, атеросклерозни даволашда, ўт ҳайдаш мақсадида тавсия этилади.

Манбаларда қайд этилишича, ўсимлик меваларидан тайёрланган дорилар антисептик, умумдармон бағишловчи, атеросклерозга даволик қилувчи восита сифатида тавсия этилади. Наъматак меваларида Р дармондори маҳмуаси бўлганлиғи сабабли, у майда кон томирчалари деворларининг эгилувчанлигини ошириб, уни мустаҳкамлайди. В. В. Лебедевнинг келтирган маълумотларига қараганда, наъматак илдизлари асосида тайёрланган қайнатма овқатни ҳам қилувчи аъзоларнинг фаолиятини уяғулаштириб, унинг ферментатив фаолигини меъёрга келтиради. А. Д. Турова наъматак меваларидан тайёрланган дори-дармон келтирган маълумотларига қараганда, наъматак илдизлари асосида тайёрланган қайнатма овқатни ҳам қилувчи аъзоларнинг фаолиятини уяғулаштириб, унинг ферментатив фаолигини меъёрга келтиради. А. Д. Турова наъматак меваларидан тайёрланган дори-дармон

• ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР НАЪМАТАК

лар инсон организмда хавфли бўлган юрак-тож томирлари атеросклерозда холестерин миқдорини камайитириш ҳақида маълумотлар келтиради. Шунингдек, наъматак ўт қогчаси касалиғи — холестицитда ҳамда ўт ажралишининг пасайиши билан боғлиқ бўлган касалликларда самарали таъсир қилади.

Наъматак меваларидан каротинин номили дори чиқарилган. Бу ўсимлик меваларининг юмшоқ қисминини мойли экстракти бўлиб, у асосан турли кўрнинишдаги тери касалликларини (битмайдиған—трофик яралар, дерматитлар, қўтир, қичима, экзема, псориаз ва бошқа) даволаш мақсадида буюрилади.

Манбаларда келтирилганича, аскорбат кислотаси энг хавфли ҳисобланувчи саратон (рак) хасталиғида муҳофаза қилувчи восита сифатида ишлатилиши мумкин. Бу доривор омил эса наъматак меваларида жуда кўп миқдорда бўлади.

Уй шароитида наъматак меваларидан қайнатма тайёрлаш учун озғи ёпиладиган идишга 2 стақан сув қуйилади ва бир ош қошиқ майдаланган (уруғ-ёнғоқчалардан холи этилган) мевадан солиб, 10 дақиқа давомидо қўйиб қўйилади. Қайнатма дока воситасида ду сузилгач, унга шакар қўшиб шира берилади. Қайнатмадан қуниға 3 маҳал, овқатланишдан олдин ярим стакандан ичилади.

Дармондорига бой доривор ҳисобланувчи наъматак мевалари билан қоракат (қора смородина) мевалари асосида қайнатма қуйидагича тайёрланади. Бунинг учун мазкур икки хил меванин арилшмасида 20 г олиб, устиға икки стақан миқдоридо қайноқ сув солинади-да, 1 соат давомидо бирор мато билан ўраб қўйилади. Сўнгра шарбати сузиб олиниб, унга шакар қўйилади. Дамладан қуниға 3-4 маҳал ярим стакандан ичиб турилади. Наъматак мевалари дармондорисидан қандлатчилик саноятда, ўсимликдан хушбўйлаш (косметика) амалиётида фойдаланилади. Ўзбекистон шароитида наъматакларнинг қўпгина турлари ўсади: итбурун, Федченко наъматига, Беггер наъматига ўшулар жумласидан бўлиб, уларнинг меваси ўзининг шифобахш даражаси билан ажралик туради.

2003 — Обод
маҳалла йилиАМАЛДА ТАТБИҚ
ЭТИЛМОҚДА

Яккасарой туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан Обод маҳалла йилига бағишланган туман хотин-қизлар кўмитасининг раёсат йиғилиши ўтказилди.

Унда туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилором Шарипова, туман ҳудудий тиббиёт бўлими вакили Лола Сайиджонова, туман ФХД инспектори Гулчехра Азизова, туман «Оила ва аёл» маркази раҳбари Раҳима Абдуганиева, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети хотин-қизлар бўлими раҳбари Фарида Пулатовалар сўзга чиқиб, Обод маҳалла йили муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси томонидан чиқарилган давлатнинг аҳамияти, унда алоҳида қайд этилган томонлар, кам таъминланган оилалар ва маҳалла аҳолисининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, маҳаллаларда тadbirkorлик, хизмат кўрсатиш ва савдонни ривожлантириш, шунингдек, меҳроқибатни кучайтиришга қаратилган «Оила спорти» мусобақаларида аёлларнинг ролини ошириш, тўйларни ихчамлаштириш бўйича тушунтиришлар беришди.

Йиғилишда иштирок этган тумандаги 17 та маҳалла хотин-қизлар комиссиялари раислари бу борада жойларда тегишли ишларни амалга оширишни режалаштириб олишди.

ТИНЧЛИККА
НИМА ЕТСИН

Акмал Икромов туман хотин-қизлар кўмитаси, туман прокуратураси, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими ҳамкорлигида йиғилиш бўлиб ўтди.

Хавфсизликнинг олдини олиш, тинчликни мустақамлаш мақсадида ўтказилган ушбу йиғилишда туман ҳокими Абдулқосим Маҳмудов, туман бош прокурори Баҳриддин Турсунов ҳамда туман участка нозирлари, туман миллий хавфсизлик кўмитаси вакиллари хиноятчиликнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида қонунбузарликни камайтириш, диний оқимларга қўрқўрона қўшилиб кетиш ҳолларига чек қўйиш, шунингдек, туман ҳудудига учраган бегона кимсаларга доимо эътиборли бўлиш тўғрисида гапириб ўтдилар.

Шунингдек, йиғилишда яқинда «Амниятга тўғрисида»ги Фармонга биноан озодликка чиққан 49 та шахсларни маҳалла томонидан назоратга олиш, уларни иш ўринлари билан таъминлаш ҳақида ҳам келишиб олинди.

Орзугул РУСТАМОВА

• МУСОҲАБА

Замонамиз қахрамони образини яратиш бугунги кунда адабиёт ва санъат номандалари олдига турган энг долзарб вазифалардан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Шу маънода, «Ўзбектеелефильм» студиясида амалга оширилаётган ишлар киши диққатини ўзига тортади. Хусусан, кунни кеча «ойнаи жаҳон» орқали намойиш этилган «Тақдир йўллари» номли 2 қисмли телевизион бадиий фильмнинг кенг томошабинлар орасида қизиқиш уйғотгани ҳам бежиз эмас.

Мамлакатимиз темирйўлчилари ҳаётига бағишланган ушбу фильм ижодкорлари — сценарий муаллифлари — Эркин Усмонов ва Юсуф Розиков. Постановкачи-режиссёр Эргаш Нормуродов. Фильмга бастакор Мирхалил Маҳмудов куйлар басталаган. Ролларни Р. Каримов, Г. Иброҳимбекова, З. Муҳаммаджон, Р. Солихов, С. Раметова сингари таниқли санъаткорлар билан бир қаторда Фарғона вилояти ва Кўкон театраларининг бир гуруҳ актёрлари ижро этдилар. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат Акциядорлик компанияси эса фильмни суратга олишда яқиндан ёрдам берди.

Шу муносабат билан мухбиримиз фильм ижодкорлари — ёзувчи Эркин Усмонов ва постановкачи-режиссёр Эргаш Нормуродовлар билан учрашиб суҳбатда бўлди.

«ТАҚДИР ЙЎЛЛАРИ» БЎЙЛАБ...

— Эркин ака, айнан темирйўлчилар мавзусига мурожаат қилинганнинг боиси нимада?

— Биласизми, аслида фильм учун қай бир соҳа вакиллари ҳаётини танлашнинг унчалик аҳамияти йўқ. Ўқитувчиси, шифокорми, ишчиси, тadbirkorми... ҳаммасининг ҳаётда ўз ўрни бор. Қолаверса, биз бош қаҳрамон, оддий темирйўлчиликдан шу соҳанинг етук мутахассиси даражасига етган Гофуров образида яна шундай фидойий замонашларимизнинг жуда кўп фазилатларини умумлаштиришга ҳаракат қилдик. Яна бир жиҳати, қаҳрамонимиз ҳаётини унинг қувонч ва ташвишлари, орзу-армонлари, ғалабаю мағлубиятлари, кураш ва интилишлари орқали кўрсатгимиз келди.

Энди, бевосита саволингизга келсак, назаримда темир йўллар худди инсон организидаги қон томирлари каби, бутун мамлакат бўйлаб ўтади, яъни темир йўлга алоқадор бўлмаган соҳанинг ўзи йўқ. Санъатчи, қурилишчи, қишлоқ хўжалиғими, йўловчиларга хизмат кўрсатишчи, ҳеч бирини темир йўлларсиз тасаввур қилиш қийин.

Шу ўринда, яна бир нарса-



ни айтиб ўтишни истардим, у ҳам бўлса, мен фильмни суратга олиш жараёнида кўп таниқли санъаткорларни, хусусан, ҳамкасбларим — режиссёр Эргаш Нормуродов ва оператор Баҳодир Назруллаевларни ўзим учун яна бир бор кашф этгандек бўлдим. Улар том маънодаги фидойий, ўз касбига садоқатли инсонлар экан. Улардан миннатдорман!

— Фильмни суратга олиш осон кечмаган Эргаш Нормуродовдан.

— Осон ишнинг ўзи борми? Кино-ку, инчуну! У бир-икки киши томонидан эмас, жуда катта жамоанинг катта меҳнати орқали яратилган санъат. Биргина мисол келтиришим мумкин. Фильмни овозлаштириш жараёнида 72 та актёрга овоз берилди. Ёки оммавий сахналарнинг ўзида 200 дан ортиқ кишилар иштирок этди. Суратга олиш жараёни эса асосан Кўконда, Раққонда, Тошкентда, Ангренада, Тўрткўлда ва бошқа шаҳарларда бўлиб ўтди.

Шундан ҳам фильмни экранга етиб келиши осон кечмаганлигини пайқаш қийин эмас.

— Фильмда иштирок этган актёрлар ҳақида нима деб айтасиз?

— Сизган бўлсангиз, фильмда таниқли санъаткорлар билан бирга нотаниш актёрлар ҳам кўп учрайди. Мен ўзим шуни ёқтираман. Саба-

би, хаваскорлар билан ишлаш ҳамisha қизиқarli бўлади. Майли, ўша йигит ё киз ҳаётида бир марта роль ўйнаши мумкин. Лекин, фильмни ана шунанга номалум артистлар орқали танқин этиш қанчалик мураккаб кечмасин, барибир қизиқarli деб ўйлайман.

Масалан, бош қаҳрамон Гофуровнинг ёшлигини Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтининг талабаси Азиз Абдусаматов ижро этди. Бошқа асосий ролларни эса Раъно Шодиева, Баҳром Усмонов, Шохид Мўминова сингари ёшлар ўйнашди. Бош қаҳрамонимизнинг улғайган пайти учун эса бир неча актёрларни мулкларидек ва охири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Каримовга тўхтадик.

— Сабаб?

— Сабаб, унинг ташкил қилёвчиси, хатти-ҳаракатларида қаҳрамонимизга хос белгилар бор эди. Аввало, қаҳрамонимиз ҳам ўзимиз қатори тирик одам эканлигини унутмаслигимиз керак. У ким бўлишидан қатъи назар оддий инсоний ташвишлардан ҳоли яшолмайди. Унинг тақдир йўлида муҳаббат ҳам, айрилиқ ҳам, яхшилиқ-ёмонлик ҳам учрайди. Лекин, шунга қарамай, у эл-юрт олдиданги бурчини, халқ манфаати йўлидаги ишларини ҳамisha олдинга суриб яшайди. Биз замонамиз қаҳрамони образини айнан шу нуқтадан ёритишга ҳаракат қилдик. Бу йўлда эса «Ўзбектеелефильм» ва «Актёр» студияларининг жуда катта ёрдам кўрсатгани алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Энди мақсадимизга қанчалик эришдик, буниси олий ҳакам — томошабинларнинг баҳосига боғлиқ. Улар ҳолис баҳо берадилар, деган умиддам!

Адибахон ҒАЙРАТ қизи суҳбатлашди
СУРАТДА: фильмнинг бир гуруҳ иштирокчилари.

• СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Паҳлавонлар
беллашди


Шаҳримизда спортнинг пауэрлифтинг — замонавий учқураш тури кейинги пайтларда жадал ривожланмоқда. Ҳақиқий полвонлар куч синнашадиган пауэрлифтинг бўйича мусобақалар Чилонзор туманидаги «Паҳлавон» спорт клубида тез-тез ўтказилиб турилади.

Яқинда «Паҳлавон» клубида пауэрлифтинг бўйича шаҳар миқёсидаги мусобақалар бўлиб ўтди. У эракилар ўртасида ўнта, аёллар ўртасида эса тўртта вазн тоифаларида ташкил этилди. Мусобақаларда пойтахтдаги етти та клубнинг энг кучли паҳлавонлари ўзаро беллашди.

Шуниси қизиқки, «Тўқимачи» клуби вакили Анна Васина бундай мусобақаларда илк бор қатнашаётганига қарамай, умумий ҳисобда 230 килограмм натижа кўрсатган ҳолда ҳам спорт устаси талабларини бажарди, ҳам голибликни қўлга киритди.

Аёллар ўртасида қолган вазнларда куйидагилар голиб чиқди: 60 килограммга вазнда 290 килограмм натижа билан «Паҳлавон» клуби вакили Любовь Захарова, 90 килограммга вазнда «Биолок» клубидан Вероника Волкова.

Эрақлар ўртасида эса асосан «Паҳлавон» клуби вакиллари Ботир Султонов, Дмитрий Василенко, Ринат Сафин голиб чиқиб билан бирга спорт усталлигига номзодлик талабларини ҳам бажаришга муваффақ бўлишди.



82 килограммга вазнда «Паҳлавон» клубининг полвони, халқаро тоифадаги спорт устаси Сергей Фотиев 250, 220 ва 145 килограммлик вазнларни забт этган ҳолда учқурашнинг барча турларида рекордлар ўрнатди. Бундан ташқари 125 килограммга вазнда Бахтиёр Асатов ва энг оғир вазнда Сергей Трубицинлар ҳам иккитадан рекорд ўрнатган ҳолда юқори натижаларга эришишди.

Умумжамоа ҳисобида эса дастлабки уч ўринни «Паҳлавон», «Тўқимачи» ва «Муромчи» клублари эгаллади.

(Ўз мухбиримиз)
СУРАТДА: мусобақа иштирокчилари суҳбатлашмоқда.

Алексей Попов олган суратлар.

Республика
чемпионлари
аниқланди

Уч кун давомида шаҳримиздаги «Динамо» спорт комплексида 1987-1988-йилда туғилган ўсмирлар ўртасида самбо бўйича Ўзбекистон биринчилиги беллашувлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси ҳамда Республика самбо федерацияси ҳамкорлигида ташкил қилинган мусобақаларда 13 та жамоа шарафини ҳимоя қилган 245 нафар ўсмирлар ўнта вазн тоифаси бўйича ғалаба учун кураш олиб боришди.

Республика биринчилигида ҳамшаҳарларимиз ҳам яхши қатнашишди. Жумладан, 68 килограммга вазнда Мухитдин Миралиев, 48 килограммга вазнда Амир Каримов, 55 килограммга вазнда Илхом Сотволдиев ва энг оғир вазни курашчилар ўртасида Музаффар Эрматовлар ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионлари бўлишди.

СУРАТДА: мусобақадан лавҳа.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганиб
Домо бўлур...

• Тўғри йўлда юрган одам номусли, матонатли, берган вадасида каттиқ турувчи бўлади, ҳеч кимни алдамайди, тўғриликдан ажралмайди, тўғриликнинг энг улғу фазилат эканини билди.

• Фазилатли, олижаноб одам фақат ўз фойдасини кўзламайди, халқ манфаати учун ҳам хизмат қилади, ҳеч кимга зиён-заҳмат етказмайди.

ХИКОЯТ. Рум ҳукмдори Эрон ҳукмдори машҳур Анушервондан:

— Бир иморат қилишга киришган эдингиз, нима бўлди, битдимми? — деб сўради.

— Иморатимни битказдим, мен ҳеч нут нотамом иш қилмаганман, қайси гага қадам қўйсам, у ишни охирига етказмагунча тиниб-тинчимайман. Бир ишга киришган киши гайрат қилиб бошлаган ишнинг охиригача етказиши лозимдир, — деб жавоб берди Анушервон.

Рум ҳукмдори Анушервоннинг сўзларини маъқуллади:

— Балли, иондонимандларни ҳам шундай деган эдилар, — деди.

ХИКОЯТ. Бир донишманддан:

— Қайси айб, ярама одат ҳамма яхши хўнарни ёғиб қўяди? — деб сўрадилар.

— Бахиллик, — деган жавоб берди донишманд.

Яна сўрадилар:

— Қайси яхши хўна ҳамма айбни босади?

— Саҳийлик, — деди донишманд.

ХИКОЯТ. Анушервоннинг бир хизматчиси унинг ёнида бир кишини ёмонлади. Анушервон у чақимчи:

— У киши ҳақида айтганларини яхшилаб текшираман. Агар тўғри сўзлаб бўлсанг, қақчимчи бўлганинг учун мендан нафратланман, сени душманам деб биламан. Елгон сўзлаган бўлсанг, жазо бераман, қақчимчиликдан тавба қилсанг, кечираман, — деди.

Хизматчи қақчимчиликдан тавба қилди. Анушервон унинг гуноҳини кечирди.

Байт:

Гар қақчимчи ўз ишидан урса дам,

Қудратинг етса, тилин

қилгил қалам.

ХИКОЯТ. Миср ҳукмдори Рум ҳукмдори билан келишиб, оранларидидаги адоватни бартаф қилдилар, дўстлик аҳдига туздилар. Дўстликларини ҳам кучайтириб, абдийлаштириш учун Миср ҳукмдори ўз қизини Рум ҳукмдорининг ўғлига берди. Рум ҳукмдори ҳам ўз қизини унинг ўғлига никоҳлади. Шундай қилиб, икки ҳукмдор бир-бирларига қарши қуда бўдилар. Бу ошнолик туфайли ҳар икки томондан элчи ва мактуб бот-бот бориб-келиб турди. Хар иккиси бир-бирлари билан маслаҳатлашиб иш олиб бордилар.

Бир кун Миср ҳукмдори қудаси Рум ҳукмдорига шу мазмунда хат ёзди:

— Қўзларимизнинг нурилари бўлган фарзандларимизнинг вафотимиздан кейин ҳам роҳат ва фароғатда яшашлари учун шу тобдан бошлаб чора кўришимиз керак. Мен ўғлим учун жуда кўп мол-дунё жамладим. Чиройли боғ ва иморат вужудга келтирдим. Сиз ҳам қувёв бўлган ўғлингиз учун шундай қилган бўлсангиз керак.

Рум ҳукмдори қудаси Миср ҳукмдорининг хатини ўқиб табассум қилди.

— Мен сиздан кўра босқачароқ йўл тўтдим. Вафосиз мол-дунё ва матоларга илтифот этмайман. Шунинг учун мен ўғлимга мол-дунё эмас, илм, хўна, одоб, ахлоқни мерос этиб қолдиришни истардим. Уни илмли, хўнарли, одоб-ахлоқли қилиб ўстирдим, адаб либоси билан безадим, яхши ҳислатларини ўғлим учун мерос этиб қўйдим. Мол-дунёга завол етди, аммо адабга завол етмайди.

Миср ҳукмдори қудасининг хатини ўқигач, унинг сўзини маъқуллади:

— Қудам тўғри айтди, одоб, ахлоқ олтиндан қимматдир, — деди.

Қитъа:

Эмас манзур уш халғига мولي,

Неҳкуким молнинг бордир

заволи,

Улар матлуби бўлган илму одоб,

Ки тоғгайлар адабдан

яхши алқоб.

Келагагимиз ворислари учун мўлжалланган, замонавий анжомлар билан жиҳозланган, жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган касб-хўнароқ коллежлари ва академик лицейларнинг тобора кўпайиб бораётгани юртимиздаги таълим соҳасидаги ислохотлар самарасидан далолатдир.

II-Тошкент давлат тиббиёт институти қошида фаолият кўрсатаётган лицей ютуқлари ҳақида ҳам ҳар қанча тўхталсак арзийди. Мазкур лицейни ўтган йили битирган ўқувчиларнинг 98,7 фоизи олий ўқув юртига қабул қилинди. Ушбу ўқув масканида ҳозирда 3 та профессор, 15 та фан номзодлари, доцентлар, юқори малакали 1-тоифали ўқитувчилар дарс беришмоқда.

— Лицей учун талабалар ётқоқхонасини тўла таъмирлаб фаолият бошладик, аммо ўқувчиларимиз учун ҳар томонлама шарт-шароитларни яратиб берганмиз. Ютуқларимиз ҳам талайгина, улар тўғрисида фахр ила сўзлашимиз мумкин, — дейди лицей директори биология фанлари номзоди, доцент Ғулмон Жалолов. — «Табиий фанларни ўқитишда таълим ва фан интеграцияси» мавзусида ўтказилган иқтидорли ўқувчиларнинг биринчи республика конференциясида ҳам талабаларимиз фаол катнашдилар. Лицей ўқувчиларининг қилган илмий маърузалари юқори баҳолаб, Камилла Юнусова конференция голиби деб тоғилиб, компьютер билан мукофотланди. Шамсиддин Низомқўжаев эса Фанлар академиясининг стипендиясига сазовор бўлди.

Ўтган йилда шаҳар миқёсида бўлиб ўтган биология секциясида 5 нафар ўқувчи соврилли ўриларни эғаллаб, республика босқинига чиқди.

Жорий йилда бўлиб ўтган фанлар бўйича

шаҳар олимпиадасида ҳам биология фанидан Азизбек Шомарулов, рус тили ва ада

• ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИДА

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ
МУСТАҲҚАМ БЎЛСИН



биёти фанидан Неля Львова биринчи ўринни эғаллаб, республика олимпиадасига йўллама олдилар. Шунингдек, Васила Нўмонжоновга кимё фанидан, Абдумажид Бойбековга физика фанидан 3-ўрин насиб этди.

Ушбу лицей Республика Фанлар акаде

миясининг қатор илмий-текшириш институтлари билан ҳамкорликда ишлаб келмоқда. Булар жумласига генетика, микробиология, биотехнология, биофизика институтлари, ботаника илмий ишлаб чиқариш бўлими, ўсимликлар моддалари кимё институтлари қиради.

Лицейда маънавият ва маърифат бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовордир. Лицей ўқувчилари музейларга, санъат саройларига экскурсияга бориш билан бирга, адиблар, шоирлар билан бўладиган адабий чекларда қизгин иштироқ этмоқдалар. Яқинда лицейда Ўзбекистон халқ шоирлари Нормурод Нарзуллаев, Жуманиёз Жабборов билан мушоира кечаси ўтказилди.

Лицейда компьютер хоналари, фан тўғрақлари, амалиёт хоналари, амалиёт хоналари жиҳозланган кутубхона ва ошхона мавжуд. Айни кунда бу ерда 3251 ўқувчи таҳсил олмақда.

— Режаларимиз бисёр, лекин муаммоларимиз ҳам йўқ эмас, бироқ, бизнинг ягона ниятимиз ўқув масканимизда таълим олаётган талабаларимиз учун шароитларни янада яхшилаб, келгусида улар орасидан кўплаб етук шифкорлар етишиб чиқishi учун ҳаракат қиламиз, — дейди лицей директори.

Дарҳақиқат, ёш авлодни ҳар томонлама билимли, баркамол ва етук қилиб тарбиялаш йўлида қилинаётган эзгу амаллар албатта келажақда ўз самарасини беради.

Гулчехра ДУРДИЕВА
СУРАТДА: лицей фаолиятдан лавҳа.

ҲАМКОРЛИҚДА ГАП КЎП

Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, уларни ва фарзандларини соғломлаштириш касабга уюшмалари фаолиятида алоҳида ўрин тутлади. Ижтимоий ҳимоя яхши йўлга қўйилган жойда умумий манфаатдорлик, тинчлик ва оқсоишталлик кутулган даражада бўлади. Ўтган умрни сарҳисоб қилиш инсонга хос одат. Зеро ана шу хусусият орқали биз ҳаётимизда қилган ва айни кунларда амалга ошираётган ишларимиз ҳақида тасаввурга эга бўламиз.

Жамиятимизда инсон омили билан боғлиқ бўлган масалаларни босқичма-босқич ҳал этиб бориш йўлида ҳукуматимиз томонидан катта ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ўтган «Қариларни қадрлаш йили» да амалга оширилган тадбирлар кўп миллатли кишилар ўртасида ўзаро дўстлик, яхшилик, меҳр-оқибатни кучайтирди.

Жумладан, «Ўзсаноатқурилишбанк» маъмурияти ва Бирлашган касабга уюшма кўмитаси ҳамкорликда жамоа шартномаси доирасида иш олиб бориб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» Давлат дастури қарорларини амалга ошириш борасида ўз дастурларининг ижроси яқунларини кўриб чиқиб жорий «Обод маҳалла йили» га мўлжалланган тадбирларни ишлаб чиқишни бошлаб юбордилар.

«Ўзсаноатқурилишбанк» маъмурияти ва Бирлашган касабга уюшмаси ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишига ўзининг намунали банк хизмати кўрсатиб, янги-янги хизмат турларини ташкил этиш билан бирга давлат дастури доирасида ўзи белгиланган тадбирлар дастурини амалга оширди.

Банк тизимида кўп йиллардан буён самарали меҳнат қилиб келаётган фахрийлар билан учрашувлар, давра сўхбатлари ташкил этилди. Бу ёшларни мустақиллигимизга, Ватанимизга садоқат, миллий аъёнларимиз руҳида тарбиялашда қарияларнинг ўрни бекиёслигини кўрсатади.

• ТАДБИРЛАР

Бугун жамиятнинг даярли ҳеч бир муаммосини, ҳатто келажаги буюқ давлат қуришни ҳам аёллар иштирокисиз ҳал этиш мушкул. Оиланинг фазйи, баракаси кўп жиҳатдан аёлга боғлиқ. Халқимиз бекорга аёлларни «уй бекаси», «хонадон фаршастаси» деб улуғламайди. Демак, аёл маънавияти — оила маънавияти тушунчасининг узвий қисми деган гап.

Яқинда Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Чилонзор туман бўлими ва Чилонзор туман ҳокимлигининг ташаббуси билан «Сен барибир муқаддасан — аёл» мавзусида давра сўхбати ўтказди. Унда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими хизматлари, хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзолари қатнашдилар.

Жамиятда аёлнинг ўрни

Тадбирда, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг катта ўқитувчиси, фалсафа фанлари номзоди Жамила Шермухамедова ўзининг «Аёл ва тараққиёт» мавзусидаги чиқиши билан даврга қизғин руҳият олиб кирди.

Давра сўхбатида жамиятда аёлнинг ўрни, фарзандлар

лар. Ўтган 2002 йилда ҳам ходимларимиз фарзандларини дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича махсус тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Бу мақсадда 10 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Тармоқ ходимларининг фарзандлари Тошкент вилоятининг энг сўлим оромгоҳларида дам олиб қайтилар.

Кекса фуқароларга гамўўрлик қилиш мақсадида «Қадрият» номли омонатнинг янги тури жорий этилди. Бу кўпгина қарияларнинг сарможалари кўпайишига хизмат қилиб, моддий томондан уларга катта ёрдам берди деб ўйлаймиз.

Банкимиз тизимида кўп йиллар самарали меҳнат қилган меҳнат фахрийлар ўз соғлиқларини тиклашлари учун ва байрамлар муносабати билан Тошкент шаҳрининг ўзида жойлашган тизимимиз ташкилотларидан нафақага чиққан 150 нафардан ортиқ фахрийга моддий ёрдам кўрсатилди ва санаторийларга имтиёзли йўлланмалар берилди.

2003 йилнинг Президентининг ташаббуслари билан «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши минг йиллик қадриятларимизнинг эътирофи бўлди. Маҳалла обод ва фаровон экан, халқимизнинг кўнгли тўқ, эртасида хотирчан. Мамлакатимизда маҳаллага бўлган эътибор, унга берилган ваколатлар соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қўйилган муҳим қадам деб ўйлаб, «Обод маҳалла йили» да аввал олиб борилган ишларни давом эттириб, тизимимизда келгусида амалга ошириш мумкин бўлган тақдирларни ўрганиб чиқиб, тадбирлар лойиҳасини ишлаб чиқиб бўйича фаолият олиб боришмоқда.

Зокир СОБИТОВ,
Тошкент шаҳар «Ўзсаноатқурилишбанк» бирлашган касабга уюшма кўмитаси раиси.

тарбиясидаги муҳим роли, оиладаги ва ишдаги мавқеининг қай даражада юксаклиги ва аёлни қийнаб келаётган оғриқ нуқталар ҳақида сўз борди. «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими раҳбари Милоҳат Ортиқова тумандаги мавжуд ишбилармон аёлларнинг ютуқ ва камчиликларини хусусида тўхталиб ўтди.

Гулнора САТТОРОВА

«050»: қўтқарув хизмати хабарлари

Ҳақиқий видеотасма

Қўтқарувчилар ҳаётдан республика телевидениеси учун махсус курсатув Шайхонтоҳур туманидан оқиб ўтувчи анҳор (Марказ-12) атрофида воқеа ва эпизодлар видеотасмага туширилаётган эди.

Шу пайт қўтқарувчилар олдига бир йигит ҳовлиқанича югуриб келди:

— Сизлар «050» данмисизлар?
— Ҳа.
— Ху, анави ерда битта қиз сувга чўкяпти. Афтидан «морж»лардан бўлса керак.

Тажрибали гаввос-қўтқарувчи Дилшод Бозорбоев ва унинг ёрдамчиси Аббос Аббосов бир дақиқа вақтни ҳам қўлдан бой бермай воқеа жойига етиб келишди. Йигитлар ўзларини сувга отиб, ҳаёт билан ўлим ўртасида курашаётган қизни тезда қирғоққа олиб чиқишди. Қиз кўп сув ютган, бунинг устига муздек сувнинг таъсиридан кўкариб кетган эди. Сунъий нафас олдириш орқали қиз ҳушига келтирилди ва унга биринчи «тез ёрдам» кўрсатилди. Сўнгра касалхонага жўнатилди.

Шу кунни сунъий эмас, аксинча ҳақиқий, жонли воқеалар видеотасмага туширилди.

Машиналар тўқнашди

Пойтахтдаги София шохкўчиси билан Тимирязев кўчаси туташган жойдаги чорраҳада «Волга» автомашинаси «Москвич» русумли машина билан қаттиқ тўқнашиб кетди. Авария оқибатидан ҳайдовчилар унчалик шикастланишмаган бўлса-да, бироқ «Москвич» автомашинасида кетаётган, орқа ўриндиқда ўтирган аёлининг оёғини машинанинг олд ўриндиғи сиқиб қолиши натижасида қаттиқ жароҳат олди.

Воқеа жойига чақирилган қўтқарувчилар — Зафар Ормонов, Улғубек Йўлдошев, Музаффар Zufархўжаевлар махсус кенгайтиргич асбоблар ёрдамида машина орқа эшигини очдилар. У ердан аёлни чиқариб олишди ва зудлик билан шифохонага жўнатдилар.

Хавфсизлик таъминланди

Қорасув мавзесидаги кўп қаватли уйлاردан бирининг кириш йўлида каттақон дайди ит хурганича тўртинчи қаватгача чопиб кўтарилар ва пастга тушиб зинаполага ақинлашмоқчи бўлган одамларга ташланиб, уларни уйларига киришга йўл қўймасди. Охири шу ерда яшовчилар «050» — «Қўтқарув хизмати»га кўнгироқ қилишга мажбур бўлдилар.

Тажрибали кинологлардан иборат қўтқарувчилар чакирув жойига етиб келдилар. Махсус асбоб-анжомлар билан қуролланган қўтқарувчилар дайди итни ушлаб, махсус қоп ичига киритишга муваффақ бўлдилар. Одамлар тинчлигини бузаётган саёқ ит ветеринар кўригидан ўтказиш учун жўнатилди.

Ўтқир САИДОВ, Тошкент шаҳар Фавкулдада вазиятлар бошқармаси Матбуот хизмати бўлими бошлиғи.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ҳокимияти, Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси ва Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази янги иш бошлаган «Чилонзор буюм бозори» (собик «Отчопар буюм бозори») очик акциядорлик жамияти ҳудудида кимошди савдоси орқали сотилмай қолган савдо жойларининг ижара ҳуқуқини сотиш бўйича 2003 йил 17,18,19 март кунлари соат 9-00 да «Гагарин» номидаги кинотеатр биносида кўшимча кимошди савдолари ўтказилади.

Кимошди савдоларига қуйидаги савдо жойларининг ижара ҳуқуқи қўйилади:

Лот рақами	Лотдаги савдо жойларининг сони	Бир савдо жойининг умумий майдони, метр	Бир ойлик ижара ҳақи, минг сўм	Ижара ҳуқуқининг бошланғич нархи, минг сўм	Гаров пули миқдори, минг сўм	Савдо санаси
1-айвонда жойлашган савдо жойлари						
1	131	2	54,0	648,0	65,0	17.03.03й.
2	13	3	81,0	972,0	97,0	17.03.03й.
2-айвонда жойлашган савдо жойлари						
3	121	2	54,0	648,0	65,0	17.03.03й.
4	6	3	81,0	972,0	97,0	17.03.03й.
3-айвонда жойлашган савдо жойлари						
5	48	2	54,0	648,0	65,0	18.03.03й.
4-айвонда жойлашган савдо жойлари						
6	55	2	54,0	648,0	65,0	18.03.03й.
7	19	3	81,0	972,0	97,0	18.03.03й.
5-айвонда жойлашган савдо жойлари						
8	32	2	54,0	648,0	65,0	18.03.03й.
9	12	3	81,0	972,0	97,0	18.03.03й.
10	12	3,5	94,5	1134,0	113,0	18.03.03й.
6-айвонда жойлашган савдо жойлари						
11	15	2	54,0	648,0	65,0	18.03.03й.
12	18	3	81,0	972,0	97,0	18.03.03й.
13	38	3,5	94,5	1134,0	113,0	18.03.03й.
7-айвонда жойлашган савдо жойлари						
14	24	2	54,0	648,0	65,0	19.03.03й.
15	18	3	81,0	972,0	97,0	19.03.03й.
16	30	3,5	94,5	1134,0	113,0	19.03.03й.
8-айвонда жойлашган савдо жойлари						
17	53	2	54,0	648,0	65,0	19.03.03й.
18	25	3	81,0	972,0	97,0	19.03.03й.
19	21	3,5	94,5	1134,0	113,0	19.03.03й.

Савдоларда фақат Тошкент шаҳрида доимий рўйхатда турган фуқаролар иштирок этиш ҳуқуқига эга. Аризалар фақат жисмоний шахслардан қабул қилинади. Савдода мағлуб бўлган қатнашчиларга 15 банк кунлида гаров пуллари қайтарилди. Ариза за гаров пуллари «Чилонзор буюм бозори» ёнида жойлашган «Дўстлик» кафесида 2003 йил 24 февралдан бошлаб соат 10-00 дан 17-00 гача қабул қилинади. Аризалар қабул қилиш 2003 йил 15 март куни соат 16-00 да тўхтатилади.

Ижара муддати 3 йил бўлиб, ижара шартномаси савдо солиқлари билан ҳар йилга алоҳида тузилади. Кимошди савдоларида қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бут кўчаси, 11-уй. «Дўстлик» кафеси. Телефонлар: 79-89-53, 133-20-74, 79-73-02.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази 2003 йил 28 март, 4, 11, 18, 25 апрель, 2, 8, 16 май кунлари соат 10-00да Давлат мулки кўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси биносида ким ошди савдолари ўтказилади.

КИМОШДИ САВДОЛАРИГА ҚУЙДАГИЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

1. Тошкент шаҳар Сергели туман суди ижрочилари бўлиниши томонидан тақдим этилган Тошкент шаҳар, Сергели тумани, Янги Сергели кўчаси, 10-уйда жойлашган «SULTON UVAYS» хусусий фирмасининг қурилиши тугалланмаган маиший хизмат мажмуаси ҳамда ишлаётган кафе, бошланғич нархи **64776000 сўм**.
2. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Г.Мавлонов кўчаси, 18-уйда жойлашган «Мусаввир» илмий ишлаб чиқариш маркази мол-мулклари билан, бошланғич нархи **21882200 сўм ёки 26684 АҚШ доллари**.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объектларнинг бошланғич нархининг 10 фоизи миқдориди гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннахр кўчаси, 16а-уй, 402-хона. Телефонлар: 133-20-74, 132-25-51.

Тошкент шаҳридаги «Мавзур» хусусий корхонаси жамоаси Юнусобод туман улғуржи-чакана мева, सबзаёт комбинатининг, «Бободехкон» жамоа корхонасининг собик директори Абдувоҳид Юсуповнинг отаси **Вали ЮСУПОВНИК** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент геология-қидирув техникуми жамоаси техникум директори Талатбек Маннопович Манноповнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиғи

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 133-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқ, офсет усулида босилди.
7587 нусхада босилди. Қўғиш бичими А-3

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-ўқимда бичиб ўрнатилган

Наширн етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақтиланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Тўроқ» кўчаси, 41-уй.